Фикрлаш – ўзинг билан ўзинг баҳслашиш демакдир!

# INTELLEKT

ижтимоий-таълимий, маданий-маърифий газета

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 31-avgust № 16(24) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

## ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

## ИСЛОҲОТЛАРИ ШИДДАТЛИ ЮРТДА ЯШАШ БАХТИ

***Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтарам ватандошлар!***

**Аввало, сиз азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман.**

Мўтабар отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юртдошларимга ўзимнинг юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуғ ва муқаддас бўлган бу байрам шукуҳи оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.

Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустаҳкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.




Бугун янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.

Бугун "Янги Ўзбекистон" ва "Учинчи Ренессанс" сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда ва халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда, десак муболаға эмас.

Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон" газетасига берган интервьюсида ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, бугунгача ўз самарасини берган чора-тадбирларни такомиллаштириш, хусусан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Жумладан, айнан замонавий билим олган, илғор касб-ҳунарларни, инноватсион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутади.

Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз.

Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди.

Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий қамров 28 фоизга етди, деганидир. Бу борада давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, ўтган йилги тажрибамизни янги босқичга кўтариб, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга бу йил олийгоҳларга кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани ёшларимиз келажагини таъминлашга қаратилган амалий эътиборимиз намунасидир.

2030-йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказишни режа қилганмиз ва бунга, албатта, эришамиз.

Халқ ишончи ва эътиқодини мустаҳкамламоқ йўлида биз янгиланиш, тафаккур эркинлиги ва фикр мустақиллигига алоҳида эътиборни қаратишимиз зарур. Чунки, танлаган йўлимизнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилиб, одамларимиз онг-у шуурига ана шу қатъият ва ишончни олиб кира олмас эканмиз, бошқа соҳаларда олиб бораётган ишларимиз, эришаётган муваффақиятларимиз ўзининг мустаҳкам заминига эга бўла олмайди.

Биз жаҳон тараққиёти билан бирга одим ташлашни мақсад қилган эканмиз, мамлакат олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишда кўп миллатли жамиятимизнинг хусусиятларини эътиборга олишимиз зарур. Бошқача қилиб айтганда, олға ҳаракатнинг белгиловчи омили бўлмиш миллатлараро иноқлик тажрибасини доимо назарда тутиб, шунга амал қилмоқ лозим бўлади.

Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, Президентимизнинг "Неча-неча аждодларимиз орзу-ният қилиб ўтган мана шундай буюк ишларни амалга ошириш бугун бизга насиб этган экан, бу ўзлигини англаган ҳар бир ватандошимиз учун чинакам бахт ва шараф эмасми?", деган фикрлари бугунги кунда ислоҳотлар шиддат билан кетаётган юртда ишлаш ва яшаш янада ёқимли ва тотли эканлигини ҳис этасан киши.

Қайсики, халқ манфаатлари устувор бўлган мамлакатда амалга оширилаётган янгиликлар, ўзгаришлар киши қалбига катта куч, ғурур ва ифтихор бағишлайди. Инсонни маънавий юксалишига, ҳар ўтаётган дақиқаларимиздан ҳикмат қидиришга даъват этади.



Хулоса қиладиган бўлсак, Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда" мавзусидаги жавоблари барча юртдошларимизни ўз Ватани учун нима қилиши кераклигини англашига, Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланишига ўз ҳиссаларини қўшишига хизмат қилади.

Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлсин! Фарзандлар, набиралар камолини кўриб юриш ҳаммамизга насиб этсин! Гўзал ва бетакрор юртимиз ҳамиша тинч ва фаровон бўлсин! Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

*Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор.**

## ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ВА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШАРОИТ

**Ўзбекистон - улкан имкониятлар юрти. Бугун жадал суратларда ривожланиб бораётган мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити ва қулай инвестициявий шароитнинг яхшилангани, умуман бизнес вакиллари учун яратиб берилаётган кенг имконият ва енгиликлар тармоқ тараққиётига хизмат қилмоқда. Айниқса, сўнгги 5 йил ичида ҳудудларда фойдаланилмасдан турган бўш ер майдонлари ўрнида улкан корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари ташкил қилиниб, уларда импорт ўрнини босувчи, экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қуйилаётгани қувонарлидир.**

Муҳими, қанча-дан-қанча ишсиз фуқароларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишмоқда. Ҳаёт тарзи ўзгариб, дунёқараши кенгайиб бормоқда. Чекка ва олис ҳудудлар эса ривожланиб, обод ва файзли гўшаларга айланмоқда.

Паст Дарғом тумани Самарқанд вилоятининг энг йирик ҳудудларидан саналади. Асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган туманда кейинги йилларда саноат ва ишлаб чиқариш ҳам кенг кўламда ривожланиб, кўплаб саноат корхоналари ташкил қилинмоқда. Ҳудудни комплекс ривожлантириш мақсадида қабул қилинган дастурлар асосида кўплаб истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда. 2021-2022 йилларда туманда саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш дастури доирасида қиймати 3 триллион 160 миллиард сўмлик 78 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда 2600 та янги иш ўринлари яратиш белгилаб олинган. Шундан 17 та лойиҳа саноат соҳасида бўлиб, унинг умумий қиймати 42,5 миллиард сўмни ташкил қилади. Шунингдек, Паст Дарғом туманида жорий йилнинг 6 ойидавомида жами 2,5 миллион доллар миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7 баробарга ўсишга эришилди.

Бир йилда 1 минг 200 тонна маҳсулот тайёрланадиган корхонага ривожланган давлатларнинг замонавий технологиялари ўрнатилган. Муҳими, энерготежамкор ускуналарни касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар бошқаришмоқда. Ишчилар учун корхонада барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Улар билан суҳбатлашсангиз, мана шундай корхоналарда меҳнат қилаётганларидан мамнун эканлиги билдиришди.

**(Давоми 2-бетда)**

## ХАЛҚИМИЗ БУГУНИДАН МАМНУН, ЭРТАСИДАН КЎНГЛИ ТЎҚ БЎЛСИН

**Мустақиллик – шу кунларга етишга интилган, орзу қилган боболаримиз юрагидаги нидо. Халқимизга тинчлик, хотиржамлик, эмин-эркин яшаш бахти ҳадя этилган кун. Фахр билан тилга оламизки, жорий йилда мамлакатимизда истиқлолимизнинг 30 йиллиги кенг нишонланмоқда. Эътироф этиш лозимки, ҳар бир соҳада охирги беш йилда улкан ўзгаришлар рўй берди, бу биринчи галда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилди.**



Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини Оқдарё тумани аҳли ҳам ҳар бир соҳадаги улкан ўзгаришлар, муваффақиятлар, амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларидан мамнун ҳолда кутиб олмоқда.

Оқдарё туманида кейинги йилларда барча соҳалар қатори саноат, ишлаб чиқариш ривожланиб, ҳудудда йирик қувватлар ишга туширилмоқда. Айниқса, инвестиция дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, янги иш ўринлари яратилмоқда, туманнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда. Аниқ рақамларга тўхталсак. Туманда 2021-2022 йилларда умумий қиймати 324 миллиард сўмлик 42 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш белгиланган. Жорий йилда эса қиймати 192 миллиард сўм бўлган 16 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 696 та янги иш ўринлари яратилади. Шу кунга қадар эса умумий қиймати 96 миллиард 58 миллион сўмлик 33 та лойиҳалар амалга оширилди ва 487 та янги иш ўринлари яратилди. Муҳими, яратилган янги иш ўринларига Темир, Ёшлар ва Аёллар дафтарларида рўйхатда турган фуқаролар жойлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар, берилаётган имтиёз ва енгилликлар тадбиркорларга қатор қулайликлар яратилишига, маҳсулотлар таннархи арзонлашуви ва энг муҳими халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаяпти. Тумандаги яна бир йирик корхоналардан бири "Аср имкон техтел" МЧЖда бугун 150 нафар фуқаронинг бандлиги таъминлангани ҳам фикримизга мисол. Корхонада хомашё ип ҳолида келтирилиб, замонавий дастгоҳларда тайёр трикотаж маҳсулотига айлантирилади, сўнгра Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бренди остида жаҳон бозорига экспорт қилинади.

Оқдарё тумани Пичоқчи маҳалласидаги корхона эса автомашиналарга ички жилдлар тикиш билан шуғулланади. Дастлаб 25 миллион маблағ эвазига иш бошлаган корхона ўтган йили 250 миллион сўм банк кредити олиб, ўз фаолиятини кенгайтиришга эришди. Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида иш сифатли ва ўз вақтида амалга оширилмоқда. Тайёр маҳсулотлар ички бозорга буюртма асосида етказиб берилмоқда. Айни вақтда бу ерда 20 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланган.

**(Давоми 4-бетда)**

## СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

### *Ёхуд тобора унитилаётган муомала маданияти*

**Инсон яралибдики, буюк Яратувчининг карами ила ўзаро мулоқот қилади, фикр алмашади, ғам-қайғу ёки шодлигини атрофидагиларга, яқинларига ифодалайди. Бу йўлда эса асосий восита ҳеч шубҳасиз сўздир.**



Негаки, айнан сўзлар орқали инсон бирор шахс, унинг ҳозирги ҳолати, кечинмалари ва ҳаттоки, маънавий олами ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкин. Яъни инсон фойдаланаётган сўзлар, унинг бошқаларга қилаётган муносабати унинг шахсиятини кўрсатувчи кўзгудир.

Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз сўзнинг қудратини, унинг эзгуликка ҳам, ёвузликка ҳам бирдек хизмат қилишини англаган ҳолда жамиятдагиларга муомала қилиш комилликка етишиш йўлида муҳим омил деб ҳисоблаганлар. Ачинарлиси, бугун кўпчилигик бу каби қонун-қоидаларни, яъни муомала маданиятини буткул ёддан чиқарган. Ёши улуғларга ҳурмат икром кўрсатиш, ёрдам истаб келганлардан бир оғиз ширин сўзни аямасдан кўнгилларини кўтариб кўмаклашиш, кўча-кўйда, жамоат жойларида ва давлат идораларида хушмуомалалик билан фикрни баён этиш аллақачон кўпчилик замондошларимиз учун ёт тушунчаларга айланиб улгурган десак, муболаға бўлмайди.

Энг афсусланарли жиҳати шуки, муомала маданиятига амал қилмаётган, ўзининг қўпол ва маданиятсизлиги билан кўпчиликнинг кўнглини хира қилаётганлар орасида, турли хил соҳаларда фаолият юритувчи мутахассислар, аҳолининг зиёли қатлами вакиллари ҳам борлигидир. Мисол тариқасида, давлат идораларига бирор юмуш билан ташриф буюрсангиз, аксарият ҳолларда юқорида тилга олинган ҳолатга дуч келасиз, бу эса кайфиятингизни бузиши табиий. Тезроқ ишимни тугатсам-у, шу ердан кетсам дейсиз. Айниқса, жамоат марказларида, соғлиқни сақлаш идораларида ва шу каби ташкилотлар ходимларида муомала маданияти билан боғлиқ масъулият ва унга эътибор бир неча баробар юқори бўлиши керак. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, ҳузурига нажот истаб келган инсонга ёмон муносабатда бўладиган, унинг кўнглини кўтариш ўрнига янада умидсизликка тушишига сабаб бўладиган ходим учун маданият ва инсонийлик тушунчалари буткул бегона, назаримда. Негаки, ёрдам сўраб келган юртдош, замондошга ёрдам бера олмаса-да, ҳеч бўлмаганда хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш ҳар қандай ташкилот ёки идорада фаолият юритувчи мутахассисларнинг ҳам касбий, ҳам инсоний бурчидир.

Тўғри, фақатгина давлат ташкилотларида ишлайдиган инсонлардагина бу ҳолат кузатилмайди-ку, жамиятнинг бошқа қатламларида ҳам бундай инсонлар кўп-ку дейишингиз мумкин, аммо, айнан, халқ эътиборида бўлган ҳамда жамиятнинг муҳим бўлагига айланиб улгурган инсонлар бу борада қолган юртдошларимизга ҳам ўрнак бўлишлари зарур.

Биз бу билан барча масъул вазифаларда фаолият юритувчилар шундай демоқчи эмасмиз. Ўзининг гўзал хулқ-атвори ва хушмуомалалиги билан ташриф буюрувчиларнинг кўнглини кўтарадиган, яхши кайфият бағишлайдиган ва чин инсонийлик фазилатларини намоён эта оладиган ходимлар ҳам кўп, аммо гуруч курмаксиз бўлмас деганларидек, юқорида биз танқид остига олган инсонларнинг сони ҳам кундан кунга ошиб бораётганлиги ачинарли ҳолат!

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз, қай соҳада фаолият юритмайлик, жамиятнинг қайси қатлами вакили бўлмайлик, аввало, инсон эканлигимизни ёдда сақлаган ҳолда, атрофимиздагилардан ўз меҳр, эътибор ва ширин сўзимизни аямаслигимиз керак. Зеро, биздан кейин фақатгина яхши хулқ-атворимиз ила барпо этган эзгуликларимиз қолади!

**Муниса НИЗОМОВА.**

# ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗДА СОБИТМИЗ

**Бугунги тинч ва осойишта кунларда она Ватанимиз кундан кунга илм-фан, таълим, спорт, саноат, маданият ва санъат сингари барча соҳаларда равнақ топмоқда. Шу билан биргаликда меҳнаткаш ва софдил халқимизнинг турмуш фаровонлиги, яшаш шароитлари ҳам йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Ҳар соҳада эришилаётган бу каби ижобий натижаларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ҳурлиги билан чамбарчас боғлиқдир, негаки фақат озод ва обод юртдагина ўсиш, ривожланиш бўлади.**

Мана шундай ёруғ кунларда бутун республикамиз бўйлаб энг улуғ байрамимиз ҳисобланмиш Мустақиллик шодиёналари шукуҳи ҳар бир юртдошимиз қалбида, юртимизнинг ҳар бир бурчагида кезиб юрибди. Айни вақтда мустақиллигимизнинг 30 йиллигини тантанали равишда, нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб нишонлаш учун алоҳида тайёргарликлар кўрилмоқда. Жумладан, бизнинг Самарқанд давлат чет тиллар институтимизда ҳам улуғ шодиёнамизни муносиб нишонлаш учун алоҳида тайёргарлик кўрилиб, бутун институтимиз жамоаси ҳамда талабалар иштирокида турли хил маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Амалга оширилаётган бу каби ишлардан бош мақсадимиз, аввало, ёш авлод қалбида юртга муҳаббат, она халқимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантириш ҳамда она Ватанимизга чин фарзанд сифатида меҳримизни ифодалашдир. Шу билан биргаликда, мана шундай қисқа вақт ичида мамлакатимиз қўлга киритган ютуқларни, фахрлансак арзигулик натижаларни юртдошларимиз билан бўлишиш ҳамда бу орқали, бутун дунёга юртимиз салоҳиятини намоён




этиш ҳар биримизнинг ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Мазкур йил нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё аҳолиси учун синовли бўлмоқда, чунки бутун инсоният ҳаётига хавф солаётган хатардан ҳали тўлиқ халос бўлганимизча йўқ, аммо мана шундай мушкул вазиятда ҳам бизнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳолати бошқа ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ ривожланиш кўрсаткичларини намоён этмоқда. Бундан ташқари, Ватанимиз ички ва ташқи иқтисодиёт ҳамда жаҳон бозорида ўзининг ажралмас ўрнини эгаллаб, уни янада мустаҳкамлаб бормоқда. Шунингдек, спорт соҳасида ҳам юртдошларимизнинг жаҳон саҳналарида эришаётган ютуқлари таҳсинга сазовордир. Сўзимизнинг исботи сифатида, яқиндагина ўтказилган Олимпиада мусобақаларида кўплаб спортчиларимиз энг кучлилар сафида бўлиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб, ватанимиз байроғини юксакларга кўтарганликларини келтиришимиз мумкин. Бу эса барчамизга ғурур туйғусини бермай қолмайди. Шунингдек, ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида ҳам бизнинг ватандошларимиз фаол иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритмоқдалар. Мана шундай билимдон, юқори ақлий ҳамда жисмоний салоҳиятга эга бўлган фарандларимизнинг борлиги эса бизга доимо фахр бахш этади. Мустақиллигимиз шарофати билан эришилаётган бу каби ютуқларимизни яна қанча келтирсак-да адоғига ета олмаймиз, десак асло муболаға бўлмайди.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб сиз азизларни, барча юртдошларимизни она Ватанимиз ўз эрки ва озодлигини қўлга киритганлигининг 30 йиллиги билан муборакбод этмоқчиман. Тинч, хотиржам ва фаровон юртимиз гуллаб яшнаши, дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, бунданда юқори марралар томон шаҳдам қадам ташлаши йўлида камарбаста бўлиш, унинг равнақи йўлида оз бўлса-да ўзимизнинг ҳиссамизни қўшиш барчамизга насиб қилсин. Ўтказаётган ҳар бир кунимиз ҳозиргидек гўзал ва фаровон бўлсин! Аллоҳ назари тушган Ватанимиз келажакда ҳозиргидан-да юқори поғоналарни забт этсин, мустақиллигимиз эса абадий бўлсин!

**Камола АМАНУЛЛАЕВА,**
**СамДЧТИ Шарқ тиллар факультети "Узоқ шарқ тиллари" кафедраси мудири.**

**Маҳалла тарбия ва қадриятлар маскани. Унда яхши қўни-қўшничилик, дўстлик-биродарлик, ўзаро аҳиллик каби юксак инсоний муносабатларни кўриш мумкин. Мамлакатимизда маҳалла тизимига берилаётган эътибор, унинг жамият бошқарувидаги роли ва мавқеини янада ошишига олиб келаяпти. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар боис ўзини ўзи бошқариш органи фаолияти янада такомиллашди.**

# ТАРБИЯ ВА ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Жўйичуқур Самарқанднинг эски шаҳар қисмидаги маҳаллалардан бири. Мазкур ўзини-ўзи бошқариш органи 1966 йилда ташкил этилган. Маҳалла маркази биносида фуқароларни қабул қилиш, улар билан ишлаш, турли ўқув-семинарларни ташкил этиш этиш учун барча шароитлар мавжуд. Маҳалла фаоллари иш вақти бошлангандан ҳудуддаги турли ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларга киришади. "Ёшлар дафтари" га 21, "Темир дафтар" га 27, "Аёллар дафтари" нинг биринчи босқичига 5 нафар фуқаролар киритилган эди. Кўрсатилган манзилли кўмаклар асосида улар муаммолари бартараф этишига эришилди. 2072 нафар аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада Шуҳрат Тоҳиров раислик қилиб келмоқда.

Маҳалла маркази биноси йил бошида реконструкция қилинди. Бу ерда нуронийларнинг келиб дам олишлари, мутолаа қилишлари учун ҳам шароит ҳозирланди. Маҳалла раисининг ташаббускорлиги билан ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлаш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш борасида ҳам талай ишлар олиб борилаяпти. Энг муҳими, одамлар маҳалладан рози бўлиб яшашлари учун маҳалла фаоллари тинимсиз ҳаракатда.

Мамлакатимизда ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятларини юритишлари учун қатор имтиёзлар берилаяпти. Маҳаллада истиқомат қилувчи Сарвиноз Фаттоева ҳам қарийб 15 йилдан буён тикувчилик билан шуғулланиб келарди. Унинг бу фаолият турини кенгайтириши, маҳалла ҳудудидан тикувчилик цехини очиши 6 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилди. Айни вақтда бу ерда турли бежирим болалар ва катталар либослари, чойшаблар тикилиб, ички бозорларга етказиб берилаяпти.

Азалдан ўзбек хонадонларда фарзандларни табиат ва қушларга дўстона муносабатда бўлишлари учун алоҳида эътибор беришган. Айнан кўплаб табиат ва жониворлар шайдолари ҳам ана шундай эътибор натижасида улғайган десак янглишмаймиз. Баён ака Ҳамроқулов хонадонда мана бундай ажойиб қушларни парваришаб келади. Бу ноёб қуш турлари алоҳида парвариш талаб этади, албатта. Шу боисдан хонадон эгалари улар учун яхшигина шароит ҳозирлашган. Мана бу тўтиқуш эса айтган сўзингизни такрорлашни ўзлаштириб олар экан.

Ғолибжон Узоқов нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганига ҳали кўп вақт бўлган эмас. Бу хайрли ишни бошлашида маҳалла фаолларининг кўмаги бўлди. Замонавий дастгоҳлар келтирилиб, иш бошланди. Айни вақтда 6 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. Маҳсулотлар бозорларга ва савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Албатта, маҳаллада фуқаролар бандлиги таъминланса, оилалар тинч ва фаровон бўлса маҳалла фаолларининг ҳаловати бўлади. Ҳудудни янада обод қилиш, қулайликлар яратиш борасида изланишади.

**Шерзод ҚУРБОНОВ.**

**Тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб видеоконференцалоқа режимида битимни нотариал тасдиқлаши мумкин ва бундай битим уларнинг биргаликдаги иштирокисиз амалга оширилаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида тарафлар нотариуслар ҳузурида бўлиши шарт.**

# ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА ОРҚАЛИ БИТИМНИ ТАСДИҚЛАШ МУМКИНМИ?

Мазкур тартиб асосида барча турдаги битимни тасдиқлаш мумкин. Бу каби битимни тасдиқлашда тегишлилигига қараб битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Битимни нотариал тасдиқлаш тарафларнинг тегишли нотариусга бериладиган аризасига асосан амалга оширилади ва ариза нотариал тартибда шаҳодатлантирилмайди.

Бунда, битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

— битимнинг биринчи тарафи томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, шахсини тасдиқловчи (битимнинг иккинчи тарафининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси) ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганиб чиқади;

— видеоконференцалоқа орқали битимни тасдиқлашда тегишли битим карточкасини яратади ва маълумотларни Тизимга киритади

— битимнинг биринчи тарафи билан ўзаро мулоқотда нотариус томонидан қандай турдаги битим тузилаётганлигини, битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу битим мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади, тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини аниқлайди ҳамда ҳужжат матни билан тарафлар тўлиқ танишиб, нотариус томонидан овоз чиқариб ўқиб берилган ҳолда битимнинг биринчи тарафи томонидан имзоланади ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади;

— тарафлар ҳамда уларнинг ўзаро келишилган бошқа шартлари ҳақидаги маълумотлар асосида битим лойиҳасини электрон шаклда тузади;

Тизимда жойлаштирилган битим лойиҳасини чоп этади ва битимнинг тегишли қисмига битимнинг биринчи тарафига имзо қўйдиради ҳамда бармоқ изларини сканер қилиш жараёнини видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этади ва битим билан бирга сақлайди.

Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

**Мисол:**

*Мен Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 1-уйда жойлашган, Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Р.Г.В., фуқаро Б.А.Г.нинг менинг ҳузуримда қўйган имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.*

Сотувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Шартнома сотувчининг хоҳиш-иродаси ва қонун ҳужжатлари асосида видеоконференцалоқа орқали масофадан туриб расмийлаштирилаётганлигини тасдиқлайман. Уй-жой сотувчига тегишлилиги текширилди, бу жараён "Нотариус" ААТда видеоконференцалоқа орқали тўлиқ қайд этилди.

Сотувчи фуқаро Б.А.Г. томонидан тақдим қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари Нурафшон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида сақланади.

Ушбу ҳужжат, уй-жой олди-сотди шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мазкур шартнома Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Барака кўчасида жойлашган, М. Улуғбек туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси З.Г.Г. томонидан видеоконференцалоқа орқали тасдиқланган.

Нотариус битимни имзолаб, муҳр билан тасдиқлайди ва мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни сканер қилиб Тизимга жойлаштиради.

Битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариус қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

— Тизимга жойлаштирилган битим билан боғлиқ ҳужжатларни юклаб олади ва чоп этади;

— Тизим орқали битимнинг биринчи тарафи мурожаат қилган нотариус билан видеоконференцалоқа орқали видеомулоқот ўрнатади, бунда нотариус ва нотариал ҳаракатни амалга оширишда иштирок этувчи тарафлар тасвирга тўлиқ туширилиши шарт.

Шунингдек, нотариус битимнинг иккинчи тарафига қандай турдаги битим тузилаётганлигини, битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу битим мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади, тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини аниқлайди ҳамда ҳужжат матнини сотиб олувчига тўлиқ таништириб, овоз чиқариб ўқиб беради. Битимнинг иккинчи тарафи томонидан битим имзолангандан сўнг, унинг бармоқ изларини сканер қилиш жараёни видеоконференцалоқа орқали Тизимда тўлиқ қайд этилади. Битимда тасдиқловчи ёзув кўрсатилиши лозим.

Сотиб олувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлилигига шубҳа туғилмади, нотариал ҳаракатни амалга ошириш давомида унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Электрон шаклда берилган ҳужжат қоғозда берилган ҳужжат билан тенг юридик кучга эга.

Тарафлар томонидан имзоланган ҳужжатлар битта йиғмажилд шаклига келтирилади, бунда махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охирги варағи ёрлиқ билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади ва тегишли ёзув киритилади.

Яхлит ҳолга келтирилган битим битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариус томонидан сканер қилиниб, Тизимда шу реестр рақам қайд қилинган карточкага жойлаштирилади.

Битим икки нусхада тузилади, бир нусхаси битимнинг иккинчи тарафи мурожаат қилган нотариал идорада сақланади ва иккинчи нусхаси битимнинг иккинчи тарафига берилади.

Битимнинг иккинчи тарафига унинг сўровига кўра битимнинг нусхаси ўзи мурожаат қилган нотариус томонидан чоп этиб берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар асосида нотариал ҳаракатни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ҳужжатнинг асл нусхаси тақдим этилмасдан, унинг ўрнига нотариал ҳаракатнинг ноёб рақами билан мурожаат қилинганда нотариус томонидан ушбу ҳужжатлар Тизим орқали ноёб рақам ёки мурожаат қилувчининг ЖШ ШИР орқали текширилади ва шу асосда нотариал ҳаракат амалга оширилади.

**Жасур ДАВРОНОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус стажёри.**

# ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ВА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШАРОИТ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

Албатта, бугун мамлакатимиз улкан қурилишлар майдонига айланган. Қайси ҳудудга қараманг замонавий уй-жойлар, бино ва иншоотлар барпо этилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу эса қурилиш материалларига бўлган талабни ҳам ортишига сабаб бўлмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар эса яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, айнан қурилиш соҳаси учун зарур бўлган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Аҳамиятлиси, улар давлатимиз томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор, давлат идоралари, химзат кўрсатувчи корхоналар тадбиркорларга кўмакчи бўлаётганидан мамнун.

Дарвоқе, Пастдарғом туманида амалга оширилаётган инвестиция дастурларини таҳлил қилар экансиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга устувор аҳамият қаратилаётганига гувоҳ бўласиз. Сабаби ҳудудда саноат ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш учун зарур инфратузилма мавжуд. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун ҳам эҳтиёж катта. 25 миллиард 350 миллион сўм маблағ эвазига ўз ишини бошлаган цемент ишлаб чиқарувчи мана корхоналардан бирида айни пайтда суткасига 300-350 тонна сифатли ва белгиланган талабларга тўла жавоб берадиган цемент ишлаб чиқарилмоқда. 4 гектардаги ташландиқ майдонда фаолиятини бошлаган корхона бугун тўла қувват билан ишламоқда. Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар эса маҳсулотларни сифатли чиқишига омил бўлаётир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, корхонада асосий эътибор сифатли цемент ишлаб чиқаришга қаратилган. Маҳсулотни сифатли бўлиши эса бевосита тайёрланаётган маҳсулотларни лаборатория текширивудан ўтишига боғлиқ. Шу мақсадда корхонага энг сўнгги русумдаги ренгеноспектор аппарати олиб келиб ўрнатилди.

Аграр туман саналган Пастдарғомда бугун саноат шу зайилда тараққий этиб бормоқда. Истиқлолимизнинг 30 йиллик байрами арафасида туманда яна кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини бошлайди. Буларнинг бари юртимизда кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни изчил амалга ошаётганидан, одамларда эртанги кунга ишонч ошиб бораётганидан, энг муҳими эса бугун янгиланиб бораётган Ўзбекистонда кечаётган шиддатли ислоҳотлар нечоғли ҳаётбахш эканидан далолатдир.

**Ваҳобжон АВАЗОВ.**

**Айни кунларда Самарқандда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланмоқда. Ёш божхона ходимлари фахрий божхоначиларнинг хонадонларига боришиб, кексалик гаштини сураётган фахрийлардан ҳол-аҳвол сўрашиб, уларга бошқарма бошлиғининг байрам табриги етказилиб, совғалар берилди.**

# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Самарқанд шаҳридаги "кексаларни эъзозлаш, ўтганларни хотирлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида "Уч авлод учрашуви" ташкил этилди. Унда тизимда кўп йиллар меҳнат қилган божхона фахрийлари, вилоят фаоллари, марҳум божхона ходимларининг оила аъзолари, ёш божхоначилар ҳамда вилоят Касаба уюшмаси масъуллари жам бўлишди. Тадбирда вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Якуб Мирзарахимов иштирок этиб, барчани энг улуғ, энг азиз байрам билан табриклади.



Тизимда ислоҳотларни изчил ва самарали амалга оширишда, ёш авлодни Ватанга ва бурчига садоқат руҳида тарбиялашда божхона фахрийларининг кўп йиллик билим ва тажрибасига таяниш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бир пиёла чой устида қилинган суҳбатда фахрий божхоначилар кечаги машаққатли кунлар, бугун жадал ўзгараётган юрт ҳақида самимий фикрларини билдирдилар.

Учрашувда Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши раиси Сухроб Рафиков, вилоят божхона бошқармаси Фахрийлар уюшмаси раиси Фарҳод Муқимовлар сўзга чиқишиб, барчани улуғ айём билан муборакбод этишди. Тадбир давомида божхона фахрийларига Давлат божхона қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди. Бошқарма раҳбарияти томонидан тизимда кўп йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан бир гуруҳ божхона ходимларига тўнлар кийдирилди.

Хизмат даврида вафот этган марҳум божхона ходимлари ёдга олинди ҳамда уларнинг яқинларига байрам совғалари топширилди. Вилоят Касаба уюшмаси кенгаши раиси Сухроб Рафиков бир гуруҳ ходимларга эсдалик совғаларини тақдим этиб, ходимлар маданий хордиқ чиқаришлари учун Хоразм вилоятига саёҳат ва Бўстонлиқ дам олиш санаториясига йўлланмалар тақдим этди. Бу каби учрашувлар ва байрам тадбирлар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

**Ғайрат САТТОРОВ,**
**Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.**

# АДАБИЁТ – БАХТИМ МЕНИНГ

**Ҳар доим адабиёт фани бўладиган куни дарсга қаттиқ тайёрланиб келаман. Чунки, адабиёт мен учун мисоли порлаётган қуёшдек! Адабиётни севмасдан бир сония ҳам яшолмайман. Қаерда китоб кўрсам, уни мутолаа қилишга шошиламан. Негаки, китоблар ҳаётимнинг чароғонидир.**




Ҳар бир адибнинг ёзган асару ҳикоялари, шеър-у қиссалари мени порлоқ келажакка бошлайди, гўё. Китобга бўлган меҳримни кўрган барча тенгдошларим менга ҳавас билан қарашади. Китоб мутолаа қилсам ўша китобдаги оламга саёҳат қилгандек бўламан. Шунинг учун ҳам дунёда "Илмдан бошқа нажот юқдир" деган сўзларни ўзимга шиор қилиб олганман, фақат дунёда илм олиш йўлида дунё кезмоқчиман. Менинг шиоримни эшитганингизда хаёлингизга Муҳаммадхўжа Беҳбудий келганлиги, шубҳасиз. Чунки бу жумлалар айнан ушбу маърифатпарвар бобомизга тегишлидир. Қуйида мен ўзим севган, адабиётимизнинг дурдоналарига айланиб улгурган умрбоқий асарлардан баъзиларини бирма бир талқин қилиб чиқмоқчиман.

Улардан бири бу она ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб ёдимизга тушадиган асар, яъни Ўткир Ҳошимов қаламига мансуб бўлган "Дунёнинг ишлари" асаридир. Ўткир Ҳошимов бу китобни оналарга бағишлайди. Албатта, биламиз-ки, бизга дунёни бахш этган бу оналардир. Мен ушбу асардан жуда катта таассуротлар олдим, негаки унда онажонларимизнинг биз фарзандларга бўлган меҳр-у муҳаббати бор бўй-басти билан тасвирланган. Бир сўз билан айтганда асарни тўлиқ ўқиб чиқишни маслаҳат берган бўлардим. Чунки, бу асар бизни фақатгина эзгулик сари чорлайди.

Қалбимдан чуқур жой эгаллаган китоблардан яна бири бу Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" асаридир, бу асар менинг буткул ўзгаришимга сабаб бўлган десам муболаға бўлмайди. Шунингдек, "Шум бола" асарига ишланган филмни қайта-қайта томоша қилсам ҳам яна кўргим келаверади. Чунки бу филм қойилмақом даражада ишланган. Бу асарни тўлиқ ўқиб чиққанимдан сўнг шундай юртда туғилиб вояга етаётганлигим учун минг бора шукурлар қилдим. Нега дейсизми? Ўша пайтлар бизнинг замонамиздек мактаблар бўлмаган. Ёшларда бизда мавжуд бўлган шарт-шароитлар бўлмаган. Бизда эса буларнинг барчаси бор, биздан талаб қилинадиган ягона вазифа эса ушбу имкониятлардан унумли фойдаланишдир.

Асарнинг бош қаҳрамонини умуман олганда беғубор, яхши бола деб ўйлайман. Чунки, Қоравой ёшлигиданоқ катта қийинчиликларни енгиб ўтади. Ёш бўлсада, унинг матонатига, сабрига қойил қолса арзийди. Қоравойнинг биттагина айби бор эди. У бўлса ҳам баъзида ёлғон гапириб қўярди. Қоравой асар сўнгида ўзининг жонажон қишлоғига қайтади. Қисқа қилиб айтганда ёзувчининг ушбу асари менда ўчмас таассурот қолдирган, чунки шум боладаги қатъият, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олиш ва уддабуронлик ҳозирги замон ёшларига ҳам ўрнак бўла олади.

**Абдуллоҳ АБДУМЎМИНОВ,**
**Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани.**

Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

# NAVOIY (Novel)

Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда)

CHAPTER XIV

In the back garden of violets in the dense shade of tall trees Sheikh Bahlul watched cooking. He was busily giving instructions to his assistant, but in his movements nervousness was felt, his eyes were sad. Having dealt with the case and not seeming to notice who was sitting on the rug in the ditch Sahib Daro, Sheikh Bahlul leaned against the trunk of cypress and silently stared into the distance. Sahib Daro, who often saw Alisher's devoted servants always calm and good humored, was surprised by his gloom.

— Come here, brother, and talk a little bit, – he called Sheikh Bahlul.

Sheikh Bahlul slowly, reluctantly approached.

— I see you in some kind of change. Sit down, – said Sahib Daro pointing to a place beside him. — If there is any sorrow in your heart, share it.

Sheikh Bahlul sat on the edge of the mat and suddenly smiled.

— Believe me, in my heart there is not a drop of suffering. If there is, then to talk about it would be ingratitude.

— Ungrateful? – asked with interest Sahib Daro. — Probably there is some misunderstanding with Emir? Now have you already tell?

— Your Grace is absolutely right, – smiling said Sheikh Bahlul. — Last night, the Emir returned from the couch and went to my room. A few minutes later he called me. I collected letters, received petitions and petitions sent to the emir and went to him. Emir pointed to the table and said, "Take." I, frankly saying, was confused - there was a candle, an inkwell with a pen and bowl with water on the table. What is there to clean? There was nothing to do, so I asked: "What do you order to take away?" Believe me, Amir glared at me and said, "What a nerd! How many years are you in my service and do not know about this? Did you know that the candle burns in the morning? I need the inkwell and a pen - there is nothing to explain. What, then, is redundant here?" I immediately took the bowl and went out.

Sahib Daro slapped his knee and laughed.

— What is funny? You sprinkle salt on my wound, – said Sheikh Bahlul offended.

— God forgive me, Allah. Okay, I will not laugh. So what happened next? – Daro Sahib asked, wiping his eyes with a handkerchief.

— The worst thing was that at that morning Emir apologized. Ashamed, I did not dare look up.

— Bahlul you are disquieted in vain, – said Sahib Daro. — The conversation between the emir and his servant will now become known around Herat. Wherever the name of Alisher mentions, mongers will talk about this case, to rejoice the hearts of those present. Once Emir gave a great feast in the garden Figon that was attended by many poets, scholars and dignitaries. Various dishes were served. When dastarkhan was removed Emir disappeared somewhere. The participants decided that the Emir, apparently, does not have time to chat and departed. At this time, the Emir came and asked me, "Where are the guests?" I explained. Emir suddenly got angry with me. He frowned and said, "Is the house of Alisher a tavern where people will come, eat and disperse!" I gave these words to several friends, and, would you believe it, they spread like wildfire around Herat. Judging from the stories of people who came from Yakubbek, this case also passed from mouth to mouth.

— Your words are the truth, – said Sheikh Bahlul. — All sorts of stories about the poet are listened to with pleasure across the country. But still... he is glorified like a fool.

— No, you're wrong, - said Sahib Daro. - Speaking about this case, everyone will start like this: "I have a servant of the Emir, unmatched in mind and shrewdness." After all, people are always credited to the emir as great and wonderful.

In particular, the common people, – said Sheikh Bahlul and lowering his voice, he continued: — Among others, there are those who seek out any flaws in the poet. When they find out about something like that, they're in seventh heaven, but the common people is another matter.

— So are you offended by the Emir? – asked with a smile Sahib Daro.

— No, I, myself, am not offended, – Sheikh Bahlul replied sheepishly looking at the ground. What could be the reproach! After all, thousands and thousands of cases - were hoisted up the hill and she did not survive. If his eyes sometimes flashed with anger or gave rougher treatment, I get just surprised - nothing more. I understand this, of course.

— It should be understood at the outset and then pouted like a child, – said sarcastically Sahib Daro.

— The human heart is not without weaknesses.

Sheikh Bahlul moved to talk to the gardener, who appeared from the depths of the garden. Daro Sahib lay down on the mat. He looked at the water jet, which murmured, and flowed along the lawns, shimmering like a silver braid, and disappeared in the depths of the cypress groves, peacefully dozing in gold languid air. Involuntarily he recalled a pet ghazal:

A letter from a cute chest, the heart cannot hold, it hastens to break my chest, he kissed the letter.

He started to read the next line, but suddenly the voice said:

— Let peace be with you!

Sahib Daro squinted, looked at the stranger who stood in front of him and put his hand to his chest.

— What can I do for you?

With difficulty and overcoming embarrassment the guy said:

— Sir, I was sent here by Sultonmurod the respected. You should know this man.

— Oh yeah, I know Sultonmurod, – Sahib Daro replied. — And to whom did he send you? To me or to Emir?

The guy scratched his forehead in confusion:

— They said that in this house I can find a job. Maybe I should talk to Navoiy?

— No need to, we realized what was happening, – interrupted Sahib Daro. — Wait a minute.

The guy sat down on the bank of the ditch, just fascinated, watching the garden. Sahib Daro lazily stood up, stroking his beard. He slowly put on the chekmen hanging on the apple tree, carefully wrapped his head in the snow-white turban and told to the young man:

— Come, I'll take you to the bank of the Injil. Have you ever been there?

— I've heard of it, but have not seen it.

— Herat is the whole world, and Navoiy tries to erect another new world. Yeah, what's your name? Are you related to Sultonmurod?

— My name is Arslankul. Mudarris is my friend.

On the banks of the Indus River there was a noisy crowd; Arslankul lost his companion from out of sight. For a while he sheepishly looked around, then was picked up by the human wave and involuntarily moved. On the banks of the canal there was a full swing. Laden carts crashing heavily, the loud roar of stubborn camels, the majestic sluggish pace of elephants, angry shouts of masters and overseers - all stunned Arslankul. Fascinated, he stopped before the masons. Some of them carefully polished squares and oblong boulders of all sizes, while others were polishing to a mirror shine rough surface of stones. Group masters carved on marble and sanded faceted flowers. Fresh flowers that gradually arose from under the master cutter, struck Arslankul. "I thought that was no more complicated case than the craft of the jeweler in the world, but their job is even more difficult", said the young man to himself.

Somewhere elephants brought huge blocks of stone. Staring into the ground, elephants knelt. With the shouts of the overseers, boy's of athletic forms unloaded a heavy burden.

Arslankul walked among people, tirelessly scurry like ants, and glanced around curiously.

Near the madrassahs being built opposite the portal he saw Sahib Daro, busily talking with boys smartly dressed in robes embroidered with gold collars. Stopping at a distance, Arslankul stared at dexterous masters in turbans and caps, who worked at a high portal madrassahs. Among them gray-bearded, elder guys and young men quietly performed the dangerous work. Dozens of artists painted a huge gate and wall facing the street. Multicoloured paint dazzled in the sunlight. To avoid losing Sahib Daro again, Arslankul came and stood beside him. However, Sahib Daro was carried away with the dispute and had not noticed Arslankul. Arslankul for a moment listened to their conversation. Arguing about some ghazals Arslankul did not understand, he waited patiently, until they finished.

"Again ghazal! Ah, Herat! Wherever you look, everywhere you see the poet. At the mosque, madrassah, in the bazaar, in the tavern - all read poetry, and pack of them. Perhaps these two poets, too," - thought Arslankul.

Finally, the smart poet, apparently not convinced in the arguments of his opponents, rather coldly, said goodbye to Sahib Daro. Arslankul coughed and stood beside Sahib.

— Sir, I have lost time and was looking for you, – he said, respectfully folding his arms.

— Oh, brother, here it is impossible not to get lost, – smiling, said Sahib Daro. — Well, here we go.

Arslankul went behind Sahib Daro who led him to a dense, stocky middle-aged man, who was sitting under the tree and vigilantly watching every movement of the working group.

— I instruct that you take that fellow, – said Sahib Daro, indicating Arslankul. — Here, take him to work and pay him as much as others.

The stocky man looked at Arslankul:

— You seem to be a well-built guy, but if you become lazy, alas, I'll scratch your shoulders with stick.

— I'm not a couch potato, uncle, - said seriously Arslankul.

— Okay, tighten your belt and start working, – he pointed up at the carriers of bricks.

Arslankul slung pile of bricks on his back, without bending, and quickly with firm step started up to the sloping forests. Several workers shouted from below:

— Hey, kid, you'll be nothing if you strain the lower back; it will break!

The higher Arslankul climbed, the more he had to bend, but he quickly ran up to the forest. Throwing the bricks off, the boy looked downstairs. By the green waves of the Herat gardens, the sun disappeared in the blue horizon, as if it unwound the tangle of pain that enveloped the heart of Arslankul.

In the afternoon the work on buildings ceased. People brushed and wiped the sweaty clothes, sat in a circle at the canal's bank. Arslankul washed his hands and face in the muddy water of Injil and going to his new friend, sat on the mat spread under the trees. Tired people, fanning with handkerchiefs, quietly talked among themselves in Turkic, Persian and other languages, Arslankul found it incomprehensible. All stole glances because at forty-fifty paces were big steaming cauldrons, where people clustered around. The head of building, without lifting eyelids, gave them a look and shouted to the cook: "Start!" Old dastarhanchi gave flat cakes, sprinkled with cumin, then the soup in the colored clay cups was served.

Arslankul finished eating before everyone. Not being close to any of workmates, he did not wait for them.

Silence was at the construction site. Only the children ran around elephants and camels and teased them. Here people wandered outside coming to see the construction.

Arslankul climbed to the spot where he had just worked. He leaned against the crossbeamed forests surrounding the dome and fixed his eyes at the distance. Ancient madrassahs straight as candles, tall minarets covered with multicolored paint, princes' palaces, fortresses with huge teeth - all this clearly loomed before his eyes. Many of these buildings Arslankul had seen up closer, but the distance gave them a new beauty. The boy opened his eyes at the large area, belted with cypresses. "Yes, is it the garden Jahan - Ara? It is. Alleys..," - mentally Arslankul said. Leaning his head against the blackboard forgetting everything else, he turned his eyes away. "Who knows, maybe my Dildor lives there? Now, she walks through the alleys of this flat, similar to the period. Though she may be the one hundredth wife of the sovereign, I had not forgotten her. "Heavy sighed the youth at the village. They made lyrics which meant the following in English:

*Oh, disaster threatens her pupil.*
*What to do! He captivated me.*
*Spring breeze! Tell her*
*How I love, how I'm lonely.*
*Arrive larks, to her,*
*Tell us how many years and days*
*I burn, I burn stronger Majnun,*
*Seared flame passions.*
*Friend, do not touch the strings of my anguish.*
*Hide my sufferings of the people.*
*Not even dream gave me happiness*
*See her roses, lips tenderly.*

Arslankul took off his hat and waved it desperately in the air, as if to say to himself: "What is there, let it go!" Taking two or three steps, he stood awkwardly, a few people stood in front of him. With masters who were already familiar to Arslankul. One of them, a well-dressed man said with a smile:

— Why did you stop singing, good horseman? After all, we also want to hear. – He looked at the people around him.

The old master, holding in his hand a large sheet of paper with the plan of the building, said slowly:

— Yes, my son, you sang the song with deep feeling.

— That's right, we enjoyed the sincerity in the song, – the stranger spoke again.

The simple treatment of the illustrious person encouraged Arslankul. Preparing himself, he said, putting his hand to his chest:

— Sir, do not embarrass me. I am your obedient servant, not a singer, so sometimes I just sing for myself.

Arslankul looked around and saw that the work had resumed, and quickly ran down.

Rising from the load of bricks Arslankul stopped being surprised: the man with whom he's just talked, tucked the floors of his expensive robe and rolled up his sleeves, and worked like a real journeyman. He filed masters' bricks and Ganj. The young man looked at him with the corner of his eye and said to himself, with a shrug: "According to the honourable gentleman, I like them."

Walking past, every time Arslankul surreptitiously glanced at him. He apparently did not tire on the contrary; on his sweaty face it could be read the growing fascination with the work. Finally, Arslankul did not resist: he pushed in the side of person who was walking beside him and asked, pointing up:

— Who is this gentleman? He works greatly. Or maybe he's afraid of boss? – he laughed heartily at his own joke.

— Uh, miserable guy, you still do not know him? – said his companion, tempering his step.

— No, who is he?

— Navoiy. He comes here often and always works hard.

**CHAPTER XV**

**I**

Near one of the offices there was a big motley crowd. The old man diligently swept without raising dust, the wide, flat, square courtyard. His beard was smooth and combed, his greasy face was bloodless like old men who eat some butter and a lot of sweets in the morning. It was easier to carry the cares of the day, they. Leaning on the broom handle, the old man looked at the gathered crowd. Seeing his friend, he went to him and slapped him on the shoulder and said:

— That's a miracle! Alisher spent the whole week in Childukhtaron(a region near Herat ) – there is a building, new caravanserai. Tonight he returned to Herat. All right. But who told the people about this?

There was nothing surprising. After all, people's hearts are tied to Navoiy, – confidently said the dyer with blue hands.

At this time poet emir appeared in the yard, in a gold-embroidered caftan. All bowed and put their hands to their chests. Navoiy answered the greeting and walked quickly into the room. People, crowding at the door, began to look in the bags and their turbans for paper. A young scribe with a haughty person came from the next room.

— Patience! Patience! – he said, casting a disdainful glance at crowd, then disappeared in the room, where Navoiy was.

— Today, there are a lot of people, – he said after greeting the poet. — Can you talk to some of them?

— I do not understand what do you want to say.

— If you have little time, I will say to the rest to come another day...

— Commendable zeal! – exclaimed Navoiy sarcastically.

The scribe dropped his eyes.

— You are a young man, – Navoiy said in a softer tone. — Probably, you have to go up in the post. Let forever be engraved in your heart: to serve people this way is not the reasonable case.

The scribe did not dare to raise his head. Asking for apology, he went out. Navoiy stopped him. He ordered the young man to sit here until the arrival of his usual assistants. The scribe sat down in front of a table with stationery.

First there was middle-aged villager in rags and a dirty hat. He held his hands folded on his chest and stopped feeling embarrassed.

**(Давоми кейинги сонда)**

# АФҒОН ФИҒОНЛАРИ

— Олтин бошинг омон...

— Омин, Ойи! Шошиляпман! Доим шундай қиласиз-а...

— Болам, яна келасанми? Соғинаманда...

Ҳа. Икром айтганидек "доим шундай" – Бибихол ая доим узундан узоқ дуога қўл очади, Икром эса бунга сабри чидамай ўз-ўзига фотиҳа тортади ва югурганича дарвозадан учиб чиқиб кетади.

Ўғил ёзувчи. Унинг ёзганлари газеталарда тинимсиз босилади. Айниқса, оналар ҳақида ёзган қиссаси машҳур бўлиб кетди. Бибихол ая бу қиссани кам эмас кўп эмас минг марта ўқиб чиқдиёв. Катта ҳовли. Ёлғиз аёл... нимаям қилсин, шу билан овунади. Болаларининг соғинчини шу газеталар билан босади.

Келин сал эркароқ чиқди. Фақат бу эмас, ёзувчилик деган бир ўжар касб бўларкан. Худдики, бир дарахт каби, бу дарахтнинг илдизи шаҳарда униб-ўсаркан. Хуллас, улар кўчиб кетишди... Ҳар замонда келиб туришади. Бибихол аянинг бағри уч-тўрт кун лиммо-лим тўлади-да, бирдан бўшаб қолади. Бундан оғири йўқ она учун. Мана, бу галги онда-сонда бўладиган невараларни кўриш ҳам қолдирилди: Икром чекка бир туманга хизмат сафарига кетаётганмиш.

— Майли, – деди Бибихол ая томоғидаги аччиқ бир нарса, соғинчми, изтиробми, ўкинчга ўхшаш бир нимани ютаркан Икромнинг орқасидан доимгидек чала қолган дуосини охирига етказиб қўйди:

— Олтин бошинг омон бўлсин, болам. Эсон-омон бағримга қайтмасанг уйқу-ҳаловат бегона бўлсин менга. Ой бориб омон қайтгин, болам...

Икром дарвозадан отилиб чиқиб уни кутиб турган ҳамкасблари ўтирган машинага жойлашди. Машина манзил томон елдек учиб кетди.

Муҳайё эрининг бундай сафарларига ўрганиб кетган: тўрт кун дедими, тўрт кун, бир ҳафта дедими бир ҳафта безовта қилмайди. Икром учун бу айни муддао.

Фақат онасини ўргатолмади. Она кўнмади. Аниқроғи, онанинг кўнглини кўндиролмади Икром.

Барибир, телефон қилаверади. Икром гўёки, ёш бола! "Овқатландингми?", "яхшимисан?.." оддий саволлар! Икром бунга кўникиб кетган. Жавоби битта: "Ҳа!" - қутулади. Қулоғи тинчийди.

Машина деярли, 4 соат йўл босди. Уларни Умар ака деган 60 ёшлардаги, бир қўли йўқ киши кутиб олди. Катта бир ариқ бўйида супага жой ҳозирланган экан. Ярим тунгача ҳазил-ҳузул, ҳангома бўлди.

Эрталаб марказдаги бир бинода Икром ва унинг ҳамкасблари билан шу туман одамлари ўртасида учрашув ташкиллаштирилди. Одам кўп. 4-5 онахон тўғри келиб, Икромни қучоқлаб олиб, елкасидан силаб қўйди. Икром даврадаги шунча ёзувчи, шоирлар ичида унга насиб этган бундай эътибордан хурсандлигини яширишга астойдил тиришди.

Меҳмонлар оқшом маҳали яна ўша ариқ бўйидаги сўлим супага келдилар. Меҳмонлар орасидан бир киши "Нега бу ариқни Афғон деб атагансизлар?" деб савол бериб қолди.

— Эҳ... бунинг тарихи узун – деди, Умар ака тирсагидан тепароқ қисми йўқ қўлини силаркан. — Овқатга қаранглар, қани, олинглар, совимасин...

## Умар ака ҳикояси

Бизни Афғонистонга урушга мана шу ердан олиб кетишди. Ҳарбий юк машинаси манашу толларнинг тагида тўхтаб турар, йиғи-сиғи, дод-фарёдларнинг овози одамни кар қиладиган даражада эди. Лекин она болани, бола отани - ҳамма бир-бирини эшитарди. Бировнинг фиғони бошқа одамга ҳалақит бермасди гўё.

Ўзим ғирт етим ўсганим учун мени кузатишга деярли ҳечким чиқмади. Мен эса одамларни кузатардим. Ўн кишини кузатишга тумонат одам йиғилганди. Биз муқаррар ўлим томон кетаётганимизни машинага чиққандан кейингина англагандим. Анора хола мен билан Баҳромни биргаликда қучоқлади-да: Олтин бошларинг омон бўлсин. Оллоҳимнинг паноҳига топширдим. Қучоғимга соғ-саломат қайтмасаларинг уйқу-ҳаловат менга ҳаром бўлсин... дея узоқ дуо қилди.

Икром бу дуони эшитиб бир қалқиб тушди: қизиқ, ойимнинг дуосини ҳечам охиригача эшитмаган эканман...

— Уруш..! Шунчалар дахшатлики, уни ҳеч бир режиссор, ҳеч бир ёзувчи бор бўй-басти билан тасвирлаб беролмаган. Ишонаманки, сиз ҳам, мен ҳам бундай китоб ёки кинони кўрмаганмиз. Уруш - бу дахшат!



Бир ярим йилдан сўнг манави қўлни Афғонга топшириб уйга қайтдим. Биздан кейин кетганлар ва биз билан жўнаганлардан бир нечтасининг уйига "темир тобут" келган экан. Уч киши менга ўхшаб қайсидир жойидан жароҳатланган, лекин тирик қайтган "омадлилар" сафида эдилар.

— Чўзиб юбормадикми?

— Йўқ. Йўқ, давом этаверинг – деди, ҳикояга берилиб кетган тингловчилар.

— Бир енгиллашсак, енгиллашайлик дедик-да... – дея сигарет тутатиб, майин овозда давом этди Умар ака.

Ҳаёт жуда ҳазилкаш-да... Баҳром доим бирор жойга борса, кечикиб юрарди: мактаб, иш, учрашув... фарқи йўқ эди. Малоҳат унинг бу одатидан куйиниб-куйиниб гапирарди. Мен уларга ҳазиллашиб, тўйларингга ҳам кечикиб келади, кўрасан ҳали, дердим. Иккаласи ҳам қизариб кетарди...

Лекин Баҳром охирги сафар кечикмади. Малоҳатнинг тўйидан уч кун олдин Баҳромнинг тобути келди!

Инсон зоти ҳамма нарсага кўникади. Ишонаверинг. Ҳатто, қўли бўлмаса ҳам бунга кўникади. Фақат фарзанд доғи ёмон! Бу дард фақат кучайгандан кучаяди, холос.

Анора холанинг фиғонига чидаб бўлмасди... Тобутни очишмади. Қўйишмади. Фақат мина портлагани ва Баҳром ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлганини айтишди. Унинг устки кийимини Анора холага беришди. Кийимдан шунчалик бадбўй ҳид келардики, чидаб бўлмас эди. Анора хола эса у кийимни худди, хушбўй нарсани ҳидлагандек ҳидлаб йиғларди... Уни анча вақтдан кейин ҳам ювдирмади. Бунда боламнинг иси бор дерди у.

Тобутни очишмагани учунми, гўёки, Баҳромнинг ўлганига ишонмагандек эди Анора хола. Чунки қабристонда эмас ўғлини кузатган мана шу ариқ бўйида умрининг охиригача йиғлаб, Баҳромни кутди.

Тез орада Малоҳатнинг тўйи бўлди. Тўйга тўрт тарафдан хонанда-ю созандалар айтилган эди. Санъаткорлар раис бобонинг ўғлининг тўйига мос хизмат қилишарди.

Лекин Афғон ариғи тарафдан келган овоз ҳам бу ёр-ёрлардан қолишмас, ҳаттоки, улардан ҳам баландроқ эшитиларди. Карнай-сурнай, дўмбира садолари қанчалик баланд чалинмасин, хонандалар қанчалик авж пардаларда куйламасинлар, Афғон ариғидан келаётган "Болам, бола-а-м...!!!" деган фиғонлар бутун қишлоқни зир титратарди.

***

Бир куни Анора хола мени қаттиқ бағрига босиб, эҳ, қанийди, болам ҳам қайтиб келганда эди... Икки қўли йўқ бўлса ҳам майлийди, деди. Ўшанда билганман она меҳри нималигини...

Анора хола узоқ яшади. Узоқ кутди. Манашу ариқ бўйида. Шу толларнинг тагида. Ўша ҳолатда: Болам! Бола-а-м..! деб тинмай йиғлаб кутди. Баъзида уйқум қочиб четкани турсам, ариқ бўйидан ҳалигача ўша таниш овоз эшитилгандек бўлади. Анора холанинг афғонлари ариқдаги сувларга-да сингиб кетгандек гўё...

Шунинг учун бу ариқ Афғон ариғи дейилади...

***

Умар аканинг ҳикояси Афғон урушининг бошқа мавзуларига бурилиб кетаётганда қаҳрамонимизни уйқу босган эди. Негадир Икромнинг тушига онаси Бибихол ая кирди. Ҳечам бундай бўлмаган.

Хизмат сафари тугашига ҳали вақт борлигига қарамасдан, Икром эртаси эрталаб онасининг ёнига қайтди. Сафардан қайтгандан сўнг икки кун Бибихол аянинг ёнида қолди. Таажжуб, на хотини, на ўша ҳаётини бағишлаган иш жойидан ҳам бирор марта қўнғироқ бўлмади.

Орадан кўп ўтмай Икромнинг "Афғон ариғи фиғонлари" номли қиссаси чиқди ва машҳур бўлиб кетди...

**Равшанбек АБДУВАЛИЕВ.**

# ХАЛҚИМИЗ БУГУНИДАН МАМНУН, ЭРТАСИДАН КЎНГЛИ ТЎҚ БЎЛСИН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Албатта, тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватланаётгани, инвестицион лойиҳаларнинг амалга ошиши учун қулай шароитлар яратиб берилаётгани мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига, ҳудудлар инфратузилмасини яхшиланиши ва аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Туманда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам қатор ўзгаришлар рўй берди. Айни кунда туман тиббиёт бирлашмаси 1 та умумий шифохона, 4 та ОП, 6 та ОШП, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиникадан ташкил топган бўлиб, 160901 нафар аҳолига хизмат қилади. Туғруқ мажмуаси 95, ШТЁБ 30, режали жарроҳлик бўлими 45, терапия бўлими 60, юқумли касалликлар бўлими 30, болалар бўлими 35 ўрин бўлиб, жами 295 ўриндан иборат. 2016 йил 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника ва 30 ўриндан иборат юқумли касалликлар бўлими янги бинода иш фаолиятини бошлади. 2018 йил эса 95 ўриндан иборат замонавий туғруқ мажмуаси ишга туширилди. Янгиқўрғон, Авазали ва Даҳбед оилавий поликлиникалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Айни кунда эса жами лойиҳа қиймати 26 миллиард сўмлик қабулхона ва диагностика маркази қурилмоқда. Йил якунига қадар фойдаланишга топширилади.

Охирги беш йил ичида мактабгача таълим тизимида ҳам қатор ўзгаришлар рўй берди. Айни кунда 28 та давлат, 8 та давлат-хусусий шерикчилик асосида, 1 та хусусий ва 152 та оилавий шаклдаги жами 189 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритмоқда. 2017 йил болаларни мактабгача таълимга жалб қилиниши ва қамров фоизи 12,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йил 27,4 фоиз, 2019 йил 51,2 фоиз, 2020 йил 67,2 фоизга етган. Бугунги кунда эса 82,6 фоиз болажонлар мактабгача таълим ташкилотига қамраб олинган. Жағалтой қишлоғидаги 10-сон мактабгача таълим ташкилоти инвестиция дастури асосида қайта қурилиб, ўз фаолиятини бошлади. 3-7 ёшли болаларнинг 150 нафари бугун бу даргоҳда тарбияланмоқда.

Туманда оғир ижтимоий вазиятга тушиб, ёлғиз она, уй-жойга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 та янги уй қуриш хамда 10 та уйни таъмирлаб бериш, 2021 йилда давлат-шерикчилик асосида 7 та маҳалла фуқаролик йиғинига замонавий бино қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Янгиравот-2 маҳалласининг янги биноси яқинда фойдаланишга топширилади. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш, улар билан ишлаш борасида муносиб шароитлар яратилмоқда. Маҳалланинг "Уклон" қишлоғи эса "Обод қишлоқ" дастурига киритилган эди. Одамларни бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ бўлиб яшашлари учун муносиб шароитлар яратиш мақсадида 3 километр масофага асфальт, 4.4 километрга шағал-тош ётқизилди, 3 километр масофага ичимлик суви тармоғи тортилди. 72 дона бетон устунлар ва тунги ёритгичлар ўрнатилди. Ҳудуддаги мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти ҳам реконструкция қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, туманда 2020 йил 4 та 5 қаватли 234 та хонадонга мўлжалланган уй-жойлар қурилиши бошланган эди. Истиқлолимизнинг 30 йиллик тантаналари арафасида кўплаб оилалар ана шу янги уй-жойларга кўчиб ўтишмоқда. 2021 йилда Лойиш массивида 5 та 1 подездли 5 қаватли 100 хонадонга мўлжалланган уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Қурилиш ташкилотларининг моҳир курувчи-муҳандислари томонидан барпо этилган мана бу замонавий уйларда асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилди. 20 йилга ипотека кредити асосида берилаётган мазкур уйларнинг 180 таси давлат субсидияси асосида ажратилаяпти. Истиқлолимизнинг 30 йиллик тантаналари нишонланаётган айни кунларда янги уйларга кўчиб кираётган ёш оилаларнинг қувончи чексиз.

Оқдарё туманида амалга оширилаётган эзгу ва хайрли ишлар ҳали яна кўплаб оилаларга қувонч ва бахт улашади. Меҳнаткаш ва танти одамлари, нуроний отахонлар ва онахонлар, шижоатли ёшлари эса бу ишларда камарбаста бўлишади.

Бугун истиқлол шарофати ила мусаффо осмон остида, ўз она тилимизда эмин-эркин сўзлашамиз, асрий орзулар ушалди. Урф-одат ва қадриятлар тикланди. Кўҳна тарих ҳақиқатлари рўёбга чиқди. Бу истиқлолнинг энг катта инъомларидан. Истиқлолинг, муборак, юртим!

**Нозигул РУСТАМОВА.**

**Руҳшуносларнинг кузатишича, одамлар айнан яқинларини кўпроқ хафа қилишар экан. Албатта, бегона одам ўзини хафа қилдириб қўймайди-да. Яқинлар сизни тинглашади, чидашади сўзларингизга. Нега биз яқин инсонларимизни касал бўлганда ёки уларни йўқотганимизда қадрига етамиз? Нега?**

# НЕГА ЯҚИНЛАРИМИЗНИ ХАФА ҚИЛАМИЗ?

Унутманг, яқинларингиз доим қўллаб-қувватлашингизга муҳтож, ширин сўз ва эътибор кутишади. Баъзида чарчаган бўлсангиз ҳам шунчаки тингланг, шунда уларнинг нигоҳлари сизга миннатдорчилик билан боқади.

Камчилигимиз шундаки, бор кучимиз билан бизни ўраб турган одамларга ёқишга ҳаракат қиламиз, оила аъзоларимизга эса боримизча кўринамиз. Англаш керакки, аслида яқинларимизга кўпроқ яхшироқ муносабатда бўлишимиз керак, шунда улар ҳам сизга яхши бўлишини исташади. Сиз яқинларингиз томонидан қандай муносабат кутасиз? Албатта, яхши, илиқ муносабат дейсиз. Салом қандай бўлса, шундай алик олинади. Аввало, тафтишни ўзингиздан бошланг. Сиз ўзгарсангиз яқинларингиз ҳам ўзгара бошлайди, ишонинг.

Агар баҳслашишни ёқтирсангиз, билиб олинг, бу борада сиздан илғорроқ одам топилади. Баҳсдан сўнг хафагарчилик туғилиши мумкин, чунки барибир иккинчи тараф ҳам ўз фикрида қолади. Суҳбатдошингизнинг ўз фикрини ўзгартиришга кўзингиз етмаса, у билан асабий баҳслашишнинг нима кераги бор.

Яна бир қўшимча ҳақиқат: рухшуносларнинг таъкидлашича, биз кўпроқ энг яхши кўрган ва йўқотишдан қўрққан одамларимизни ранжитамиз. Бизнинг асосий душманимиз бу худбинликдир. Айнан шу худбин одамлар атрофдаги одамларни кўпроқ хафа қилишди. Чунки уларда "Мен" сўзи доим биринчи ўринда туради. Атрофдагилар фақат улар ҳақида ўйлаши керак, бари ўзи истагандек кечиши лозим, агар бундай бўлмаса, у яқинларидан аламини олади ва уларни айблайди.

Биз учун яхши тавсия, яқинларимизга жаҳл билан жавоб қайтаришдан аввал ўнгача санаб ўйлаб кўришдир. Ичингиздаги худбинлик билан курашинг буни ҳеч бўлмаса, яқинларингиз ёнида амалга оширинг!

**Ирода ШАМСИЕВА.**

# ЯХШИЛИК

**Ҳадича жуда солиҳа аёл. Худонинг суйган бандаларидан бири. Ўзига тўқ оиладан. Аммо бир кам дунё деганларидек бечора фарзандсиз. Лекин борига қаноат қилиб яшайди. Унинг доимги гапи "Аллоҳим берганингга шукр".**

Бир куни Ҳадича ишдан қайтаётганида олдига бир етти ёки саккиз ёшлар чамаси бола келиб:



— Опажон, илтимос, ёрдам беринг! Онам бетоб, дорига пул керак. Қанча бўлса ҳам беринг, илтимос! – деди.

Ҳадича болакайнинг куюниб гапириши-ю, жавдираб турган кўзларига қараб унга ачиниб кетди.

— Исминг нима? – деди, Ҳадича.

Бола маъюс кўзлари билан Ҳадичага термулди:

— Исломжон.

Ҳадичани Исломжонга ёрдам бергиси келди. Унга ним табассум билан боқиб:

— Исломжон мени онангнинг ёнига олиб бора оласанми?

Бу гапни эшитиб Исломжоннинг маъюс, мунчоқ кўзлари порлаб кетди:

— Ҳа албатта, юрақолинг!

Ҳадича Исломжоннинг қўлидан тутганча шифохона томон йўл олди. Шифохонага етиб келгач ҳамшира қиз Исломжонга қараб:

— Исломжон, қаерларда юрибсан, ойинг сени сўрагандиди, олдига кирасанми?

Исломжон болаларча беғубор оҳангда жавоб берди:

— Ҳа, фақат мана бу опажон билан кираман майлими? – деди.

Ҳамшира қиз унга ҳайрат билан қараб турган бир пайтда сукунатни Ҳадичанинг ўзи бузди: — Мен Исломжоннинг онасига ёрдам бергани келгандим.

Ҳамшира қиз тушунди, шекилли:

— Ҳаа, шунақа денг, ҳозир бир дақиқа, – деди-ю ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг "Кираверинг" деб уни бир палатага бошлаб келди. Палатада ранги синиққан, лаблари оқаринқираган, касалликдан мадори қолмаган аёл ётарди. У Ҳадичага:

— Келинг синглим, менга ёрдам бергани келибсизда...

Ҳадича бироз иккиланиб туриб жавоб берди:

— Йўқ, нега ундай дейсиз? Бандасига кўмак фақат Аллоҳдан. Тузалиб кетасиз ҳали. Илоҳим Исломжондек ўғлингизнинг камолини кўриб юриш насиб қилсин!

— Айтганингиз келсин, - деди, Исломжоннинг онаси миннатдор оҳангда.

Ҳадича Исломжоннинг онаси тузалиши учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. У тузалди ҳам.

Орадан анча вақт ўтди. Кунлардан бир кун Ҳадича боғда сайр қилиб юрганида Исломжон ва унинг онасини учратиб қолди. Исломжон онасига бир нималар сўзлаб берар, қиқир-қиқир кулар кўзлари порлаб турарди. Ҳадича уларни кузатаркан, бир жилмайиб қўйди-ю, ширингина қизчасининг қўлидан тутиб, йўлида давом этди.

**Сарвиноз КОМИЛОВА,**
**Ромитан тумани 23-ИДУМ**
**7-синф ўқувчиси.**

**"Журналист деганда ҳар бир инсон, ҳар қайси касб эгаси билан унинг ички дунёсини англаб, қувонч ва ташвишларини сезиб, қалбан суҳбатлаша оладиган иқтидор эгаси, қолаверса, сўз қудрати ва жозибасини ифода эта оладиган зиёлини тушунамиз.**

# СЎЗГА ЖИЛО БЕРГАН ФИДОЙИ ИНСОН

Мана шундай журналистлардан бири Лутфулла Мамасолиев эди" деб ёзади Самарқандлик таниқли ижодкор Ўктам Қаршиев ўз мақоласида.

Чиндан ҳам мазкур мақола муаллифи зикр этганидек, Лутфулла Мамасолиев сўз масъулиятини теран ҳис этадиган ижодкорлардан бири эди. Шу боисдан бўлса керак, унинг вилоят ва марказий матбуот саҳифаларида чоп этиладиган ҳар бир хабар, мақола, корреспонденцияси, лавҳа, репортажи, очерк ёки феълетони таъсирчанлиги, теранлиги ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб турар эди ва уларни ўқиган муштарий ўзига озгина бўлса-да, маънавий озуқа ола билар эди.

Бугун биз хотирлаётган, сўзни ва унинг жозибасини қадрлаган маҳоратли журналист Лутфулла Мамасолиев 1951 йилнинг 24 август куни Нурота тоғ тизмаларининг ён бағрида жойлашган сўлим ва жаннатмакон Накурд қишлоғида таваллуд топди ва шу ердаги тўлиқсиз мактабнинг саккизинчи синфини битирди. Сўнгра Фориш туманидаги Гараша қишлоғида ўрта мактабда ўқишини давом эттирди. 1950-1970 йилларда мазкур қишлоқ мактаби республикамиздаги энг намунали маърифат ўчоғларидан бири саналар эди.

Лутфулла Мамасолиев 1973 йилда университетни муваффақиятли битирди ва ўша йили у дастлабки меҳнат фаолиятини Самарқанд қишлоқ хўжалик институти-ҳозирги Самарқанд ветеринария медицинаси институти газетаси масъул котиби сифатида бошлади ва ушбу газетанинг таъсирчанлиги ҳамда ўқимишлилигини ошириш учун бор билим, маҳоратини ишга солди.

Кейинчалик институтнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатди. Юқорида зикр этганимиздек, 1992 йилдан Лутфулла Мамасолиев "Ўзбекистон овози" газетасининг Самарқанд вилояти бўйича махсус мухбири сифатида фаолиятини бошлади. У камтарлиги, одамохўнлиги ва бошқа юксак инсоний фазилатлари билан ҳамкасбларига ҳамда дўстларига ўрнак эди.

2006 йилда Лутфулла Мамасолиев "Фидокорлар" миллий-демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. 2008-2010 йилларда "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят бўлими ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Партия ҳар бир тадбирини уюшқоқлик билан ўтказар, учрашув ва суҳбатларнинг мазмун-моҳиятини матбуотда мунтазам ёритиб борар эди. Ҳужжатлар билан ишлаш, депутатлар фаолиятини жонлантириш ишларида ҳамкасбларига ибрат эди.

Куюнчак депутат, фидойи журналист сифатида ҳар доим давраларда "Ватан, халқ, келажак авлод тақдири учун ишлаш, қалам тебратиш керак", дея тўлқинланиб гапирарди. У одамларнинг далли-ғулли, ҳақиқатни ёқтирадиган, бировнинг камчилигини рўйрост айтадиган, ёлғон ва сохтакорликка тоқат қилолмайдиган тоифасидан эди. Илм-маърифатли, ҳалол, одобли инсонларни яхши кўрарди ва уларга дўст тутинарди.

Турмуш ўртоғи Моҳирахон билан 6 фарзандни вояга етказди, уларни ўқимишли, маърифатли қилиб тарбиялади. Улар бугун юртимизга ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

Бугун устоз-журналист ҳаёт бўлганида 70 ёшни қарши олган бўларди. Таниқли журналист Лутфулла Мамасолиев бошлаган хайрли ва ибратли ишларни бугун шогирдлари, ҳамкасблари, фарзандлари давом эттиришмоқда. "Инсондан эзгу амаллар қолади" деганлари, эҳтимол, шу бўлса керак.

**Абдурасул АШУРОВ.**

**Ҳар қандай давлатнинг асоси - жамият, жамиятнинг асоси эса, албатта, ҳазрати инсондир. Жамиятда умргузаронлик қилаётган инсонларнинг турмуш тарзи, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда яшаш шароитлари, шубҳасиз, мамлакатнинг жаҳон миқиёсида тутган ўрни билан чамбарчас боғлиқдир.**

# ЮТУҚЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Чунки дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш, ҳар томонлама ривож топиш ва фуқаролар учун зарурий шароитларни яратиб бериш учун, албатта, мустақил-демократик мамлакат бўлиш зарур.



Жорий йилда Ватанимиз ҳам ўзининг илк мустақил қадамларини ташлай бошлаганига 30 йил тўлди. Ўттиз йил неча минг асрлик тарих олдида жуда қисқа муддат бўлишига қарамасдан, бизнинг юртимиз тарихида туб бурилишлар амалга оширилиши, жаҳоннинг илғор давлатлари қаторида юқори марраларнинг забт этилиши учун етарли бўлди десак, муболаға бўлмайди. Мана шу қисқа муддат ичида юртимиз, энг аввало, ота-боболаримизнинг азалий орзуси бўлган мутақиллик аталмиш буюк неъматга эришди ва унинг негизида ўз олдига юқори мақсадлар қўйиб, уларга томон шаҳдам қадамлар ила одимлаб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда самарали ислоҳотлар амалиётга татбиқ этилмоқда, бу эса халқимизнинг турмуш даражаси йилдан йилга янада ошишига хизмат қилаётир. Мисол тариқасида фан-таълим ҳамда спорт соҳасини оладиган бўлсак, мазкур йўналишларда ёшларимиз фахрлансак арзигулик натижаларни нафақат юртимиз бўйлаб, балки дунё миқиёсида ҳам қўлга киритмоқдалар.

Шунингдек, юртимизда барча таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратилиб, улардаги таълим сифатини янада ошириш алоҳида устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Жумладан, бизнинг 62-сонли умумий ўрта таълим мактабимизда ҳам мустақиллик йилларида янгидан янги ислоҳотлар амалга оширилиб фарзандларимизнинг янада сифатли таълим олишларига имкон яратилмоқда. Натижада, ўқувчиларимизнинг билим ва салоҳияти янада юксалиб, кўплаб мусобақалар ҳамда олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этмоқдалар.

Эришилган ютуқларимиз, тинч ва осойишта ҳаётимиз, албатта, мустақил мамлакатимизда юритилаётган оқилона сиёсат натижасидир.

**Нигора САЛАХИДДИНОВА,**
**Самарқанд шаҳридаги 62-умумий**
**ўрта таълим мактаби директори.**

# Хориждан гапирамиз

## Коронавируснинг барча штаммларидан ҳимоя қилувчи антитана

**Вашингтон университетининг Сент-Луисдаги тиббиёт мактаби олимлари коронавируснинг маълум бўлган барча мутацияларини зарарсизлантира оладиган антитаначани аниқлади.**




Тадқиқотчилар тажриба давомида 43 та намунани ўрганган ҳамда уларнинг ҳужайраларни касалликдан ҳимоя қилиш қобилиятини таҳлил қилган. Шундан сўнг улар орасидаги энг истиқболли тўққизтаси сичқонларда синалиб, якунда энг самарали иккитаси танлаб олинган.

Олимлар SARS2-38 антитанаси коронавируснинг ҳозирда тарқалган вариантлари, шунингдек, камёб мутациялари билан кураша олишини аниқлаган - у спайк оқсилининг ўзгаришсиз қолаётган қисмига кириб бора олади.

Мутахассислар SARS2-38 антитанасининг паст концентрацияда ҳам нейтраллаш қобилияти, шунингдек, барча турдаги инфекция қўзғатувчиларга таъсирини кўрсатишини ўзига хос жиҳати сифатида эътироф этмоқда.

Тадқиқот муаллифларининг фикрича, ушбу янгилик коронавирусга чалинганларни тез ва ишончли даволашга имкон беради. Энг яхши натижаларга комбинациялашган терапия ёрдамида эришиш мумкин.

## "Хитойча Google"

**"Хитойча Google" деб аталувчи Baidu технологик компанияси ўзининг биринчи машинасини - Apollo робот-автомобилини тақдим этди. У ноодатий кузов конструкцияси ва шишали томга эга, бошқарув органлари йўқ, ҳайдовчисиз бошқариладиган концепт-кар кўринишини олган.**



Машина юзни таниш ва "ўрганиш" имкониятига эга, бешинчи даражали автопилот бошқарув тизими билан жиҳозланган.

Apollo салонига кириш "чайка қаноти" деб аталувчи тўлиқ автоматик эшиклар орқали амалга оширилади. Рулининг йўқлиги сабаб олд панелга улкан эгилган дисплей жойлаштирилган бўлиб, журналистлар уни "уй кинотеатри" деб атамоқда. Унинг қаршисида эса робот-автомобиль функцияларини бошқаришга ёрдам берадиган экран ва иккита Zero Gravity ўриндиғи жойлашган.

Apollo'нинг "ақлли" тизимлари юзни, овозли буйруқларни таниш ва мунтазам ривожланиш орқали ўзини такомиллаштириб бориш имкониятига эга. Ихтирочиларнинг сўзларига кўра, бу машинани турли сценарийлар асосида ҳаракат қилишга қодир роботга яқинлаштиради.

## Йилнинг энг қиммат автомобили

**Калифорнияда Gooding & Company аукционида 1995 йилда ишлаб чиқарилган McLaren F1 автомобили сотилди. 390 километр йўл босган эксклюзив жигарранг рангдаги идеал ҳолатда сақланган суперкар учун номаълум харидор 20,465 миллион доллар тўлаган.**



McLaren F1 капоти остига муҳандислар 627 от кучи ва 650 Нм айланувчи моментни тақдим этишга қодир BMW'-нинг 6,1 литрли V12 двигателини жойлаштирган. Агрегат олти поғонали механик узатмалар қутиси ёрдамида бошқарилади. 1998 йилда суперкар дунёдаги энг тезкор автомобиль сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган эди. Модель соатига 386,7 километр тезликка эришган. McLaren рекорди 2005 йилга қадар давом этган. Ёшанда Британия суперкари биринчиликни соатига 408 километр тезликда ҳаракатланган Bugatti Veyron'га бўшатиб берган.

Сотувга қўйилган нусха Creighton Brown рангида бўлган. 26 йил давомида суперкар япон коллекционерининг гаражида сақланган бўлиб, 390 километр йўл босган. Савдолар давомида McLaren F1 учун номаълум харидор 20,465 миллион доллар тўлаган - бу 2021 йилда сотилган автомобиллар орасидаги энг юқори нарх ҳисобланади.

## Янгича дизайндаги Apple Watch

**Apple компанияси кузда ўзининг қатор янги гаджетларини тақдим этишга тайёргарлик кўрмоқда. Улар орасида "ақлли" Apple Watch соатларининг янги авлод ҳам бор.**



Компания Apple Watch Series 4 тақдим этилгунига қадар ўлчами 38 ва 42 миллиметр бўлган соатларни ишлаб чиқариб келган. 2018 йилда каттароқ дисплейли Series 4 чиқиши билан корпус ўлчами мос равишда 40 ва 44 миллиметрга қадар ошган.

Маълумотларга кўра, янги Apple Watch Series 7 ўтган авлоддаги тасмалар ҳам мос келади. Фойдаланувчилар 40 ва 44 миллиметрли моделлар учун мўлжалланган тасмаларини ишлатиши мумкин. Келажакда Apple Watch "ақлли" соатлари дизайнини буткул ўзгартириш ниятида - соатлар iPhone 12 услубидаги бурчаксимон ташқи кўриниш, ингичка ҳошия ва кенгайтирилган экран майдонига эга бўлади.

Apple Watch Series 7 нинг расмий дебюти сентябрь ойида iPhone 13 нинг расмий тақдимоти билан бир вақтда бўлиб ўтади. Шунингдек, яқин ойларда янги iPad, AirPods, Mac мини ва MacBook Pro ҳам тақдим этилиши кутилмоқда.

## "Самсунг" ўзининг исталган телевизорини блоклаши мумкин

**"Samsung" компанияси ўз брендига тегишли ва дунёнинг исталган бурчагида бўлган телевизорни масофадан туриб блоклаш имконияти ҳақида маълум қилди.**



Компания вакилларининг айтишларича, аппаратни масофадан туриб блоклаш учун " "TV Block" " технологияси жавоб беради. "TV Block" телевизорнинг керакли ҳолатда фаоллаштирилгани ёки йўқлигини аниқлайдиган, хавфсизликни таъминловчи ечимдир", дейилади компания хабарида.

Дунёнинг исталган бурчагида ишлаш имкониятига эга бўлган технология қуйидагича: телевизор ҳар сафар интернетга уланганида қурилма "Samsung" серверларига боғланади. Махсус алгоритм қурилманинг ноёб рақамларини ўғирланган ёки ноқонуний равишда сотилган маҳсулотлар индентификаторлари билан солиштиради. Рақамлар мос келган ҳолатда телевизорнинг барча функциялари автоматик тарзда блокланади.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

INTELLEKT
Муассис:
Самарқанд давлат чет тиллар институти

Муҳаррир: Ваҳобжон АВАЗОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ(раис), Фазлиддин РЎЗИҚУЛОВ, Отабек ГАЙБУЛЛАЕВ, Шахобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аъзолар)

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй. Телефон: +99893 359-73-78

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси ҳузурида-ги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «INTELLEKT» газетаси таҳририяти компьютерида саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй.

Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: № _______

Босишга топшириш вақти: соат 18.00 да. 2021 й. 31 август
Босишга топширилди: соат 17.00 да

Баҳоси келишилган нархда

[t] - тижорат материал

Навбатчи муҳаррир: А.АБДУРАИМОВ.

Саҳифаловчи: В. АВАЗОВ.

Нашр индекси 5588

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуқтаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.